

КЎРАК ТЕРИШ ВА ЧУВИШ МАШИНАЛАРИ ҲАМДА СУШИЛКА ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ТЎЛА ИШГА СОЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 235 (1755) 27 ноябрь, 1960 йил, якшанба Баҳоси 20 тийин.

САМИМИЙ ТАШАККУР

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Ҳуқуқ Оқтибери соҳасидаги революциянинг 43 йиллиги муносабати билан ишчилар, колхозчилар ва экинчилар, партияс, совет ва жамоат ташкилотларида, шунингдек чет давлатлардаги турли ташкилотлар ҳамда хусусий шахслардан жуда кўп телеграмма ва хатлар олдидан.

Бу телеграмма ва хатлардан Совет Иттифоқининг улуг байрами муносабати билан, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда, шунингдек халқларнинг озолиқ, тинчлик ва ҳафсизлик учун олиб бораётган курашининг умумий ишда совет халқи кўлга киритган жуда катта муваффақиятлар муносабати билан самимий, дўстона табриклар ва қутловлар ихроф қилинган.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет халқига, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва СССР ҳукуматига юборилган қизғин, дўстона қутловлар ва билдирилган яхши истаклар учун самимий ташаққур қилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Улуғ Ленин ёққан маърифат машъали

Владимир Ильич Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўзининг шоли 40 йиллик юбилейини нишонламоқда. Бу—ўзбек совет фани ва маданиятини байрам. Коммунистик партиянинг Ленинга миллий сиёсатининг ажойиб тантанасидир.

Университетнинг 40 йиллик тарихи Ўрта Осиёда, шу жумладан республикамизда фан, маданият ва техниканинг кенг тарққий этиши, халқ маорифининг юксалиши тарихи билан chambarchas боғлиқ.

Маълумки, чор Россиясининг соқиб мустанлақларидан бири бўлган Туркистон қолоқ, аграр мамлакат эди. Бунда ишлаб чиқаришнинг хатто феодализмга бўлган формалари ҳам маъжуд эди. Маданият ўсмаганди. Туркистон халқлари саводсиз эди. Революцияга қадар бу ерда биронта ҳам олий ўқув юрти бўлмаганди.

Ишчилик тарихида янги давр очган Улуғ Октябрь социалистик революцияси алғари эълан, саводсиз маданиятнинг мустанлақ халқларнинг озолиқда маърифат нуридан баҳраманд қилди. Октябрьнинг дастлабки йилларидаёқ Ёш Совет республикаси миллий ўқулар, шу жумладан Туркистон халқ хўжалигини юксалтиришга алоҳида эътибор берди. Шу билан бирга илм-фан, маданиятни ривожлантириш юзасидан ном-крет, амалий тадбирлар белгиланди.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин миллий ўқуларда илм-фан ўқоқларини вужудга келтириш маҳалли кадрлар етиштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатди. 1920 йил 7 сентябрда В. И. Ленин Туркистон халқ университети базасида Тошкент Давлат университетини ташсис этиш ҳақидаги тарихий Декретга имзо чекди. Шу йили университет Москвадан улуг рус халқи вакиллари билан ишловчи бир гуруҳа мутахассис етиштириш мақсади билан профессорлар келишиди. В. И. Ленин Тошкент Давлат университетини Ўрта Осиёда миллий кадрлар тайёрлашнинг марказ, илм-фан ва маърифат ўчоғи бўлишини кўзда тутган эди. Шундан бери 40 йил ўтди. Дохий Ленин асос солган Тошкент Давлат университети совет Шарқида муҳим илмий марказлардан бирига айланди. Университет ани шу давр ичиде ўзбекистондаги асос. Ўрта Осиё республикаларида ҳам маданият, фан ва техниканинг тарққий этишида, маҳаллий кадрлар етиштиришда муҳим роль ўйнади. Шу давр ичиде университет 13 мингдан ортиқ турли касбага мутахассис кадрлар етиштирди. Эндиликда ТашГУ Иттифоқимиздаги энг

УКРАИНА АДАБИЕТИ ВА САҲЪАТИ ДЕКАДАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

МОСКВА, 25 ноябрь. (ТАСС). Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати Украина ССР адабиети ва саҳъати декадасининг тугаланиши муносабати билан бу-гун қабул маросими ўтказди. Партияс ва ҳукумат раҳбарлари Қабул маросимлари уйда декада қатнашчилари — украин ёзувчилари, артистлари, музикачилари билан уч-рашди.

Қабул маросимда А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, Д. С. Коротченко, М. Г. Первухин ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Ф. Засядько ва Д. Ф. Устинов, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари С. М. Буденний ва К. Е. Ворошилов ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Украина ССР Министрлар Совети Раиси Н. Т. Кальченко, Украина ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. И. Сенин ва М. С. Гречуха, Украина КП Марказий Комитетининг секретари О. И. Иващенко ва А. Д. Скаба, Украина ССР Маданият ва ҳукумат раҳбарлари билан биргаликда иштирок этди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ «СОВЕТ УКРАИНАСИ» ВИСТАВКАСИНИ БОРИБ КЎРДИЛАР

МОСКВА, 25 ноябрь. (ТАСС). Украина адабиети ва саҳъати декадаси куналарида «Совет Украинаси» номли бадиий виставка москвалиларга жуда манзур бўлди. Икки ҳафта ичиде виставкани 50 мингдан кўпроқ киши келиб кўрди.

А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, А. Н. Косигин, Н. А. Мухомедов, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко ўртоқлар виставкани келиб кўрдилар. Украина ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. С. Гречуха, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Д. Скаба ҳам партия ва ҳукумат раҳбарлари билан биргаликда виставкада бўлдилар.

Виставка меҳмонлари — Украина расмолари меҳмонларини қабул қилиб: уларга изоҳлар бериб турдилар.

«Совет Украинаси» виставкаси 12 декабрга очиб бўлади.

У. КЕККОНЕННИНГ Н. С. ХРУШЧЕВ ВА Л. И. БРЕЖНЕВГА ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

МОСКВА, 25 ноябрь. (ТАСС). Финляндия Республикаси президенти Урхо Кекконендан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев номига телеграммалар олинди. Президент бу телеграммаларда СССР да бўлган вақтида ўзига ва ўз ҳамроҳларига кўрсатилган самимий илтифот ва яхши меҳмондўстлик учун ташаққур қилди.

У. Кекконен Н. С. Хрушчев номига юборган телеграммасида ҳозирги замоннинг энг муҳим масалалари юзасидан бирдамлик борлиги сўхбатлар вақтида ўз ифодасини топанлигини, шунингдек Совет Иттифоқи раҳбарлари Финляндия халқининг эҳтиёжларини чуқур англаганлигини қайд қилди.

Финляндия президенти Л. И. Брежнев номига юборган телеграммасида ҳам совет раҳбарлари билан бўлган сўхбатларнинг яхши натижаларини таъкидлади ҳамда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўз мамлакатига қилган сафари муносабати билан хурсанд эканлигини билдирди.

Ҳақимполвон Қодиров бригадаси 60 центнердан ҳосил берди



АҲДИГА ВАФОДОРЛАР

Соҳибон Исоқов беш кунлик теримни якулар экан. Муқаддамнинг терган кўсатини эътиб, беш кунда 700 килограмм бўғи-я-Сўнгра бригадирга мурожаат қилди у. — яқун тайёр. Пирмама ака. Беш кунликда яна Муқаддам биринчи ўринда. Чамамда бу йил ҳам илгорлини қўлдан бермайдиганга ўхшайди.

— Ҳа, хотиржам бўл, ука, у ҳали ҳеч кимни олдиға туширган эмас. Яқин 5 йилдан бери муттасил 12—13 тоннадан «оқ олтин» терипти, — қўлидаги чой тўла пиделани ерга қўя туриб, жа-воб берди бригадир. — Қани ўзиб бер-чи, ким қанча пахта терибди.

Колхозчилар бригадирга тики-лишти. У табелчига «ўқи» ишора-сини қилган, Соҳибон ҳозиргина ҳисоблаб бўлган рақамларини овоз чиқариб ўқи бошлади.

— Муқаддам Мирзакаримов — 620 килограмм, мавсум бошидан 13200 килограмм, Зудайха Охун-ва — 530, Мавсум бошидан бери 9873 килограмм пахта терди.

Табелчи терим мавсуми бошлан-гандан бери астойдил ғайрат кў-сатиб меҳнат қилётган Инобат Жўрабеова ва Салимбой Долиев-ларнинг исми ҳам гурур билан тилга олинди ва қўшиб қўйди.

— Эларинида бўлса керак, терим бошлангани олдида бўлиб ўтган йилида Салимбой «саккиз тонна пахта тераман» деб мажбурий оғланганда баъзи қиз-лар, Салимбой ака, катта кетманг, пахта териб эгатиб пахта тараш эмас, қўлга гаширинг, дея пичинг қилишган эди. Ленин, Салимбой берган ваъдасининг устидан чи-қиб учун астойдил курашпти.

— Ингит лафзон ҳалол бўлади, — қўлини Пирмама ака, — ҳушёр бўлинглар, Салимбой кўпгина қиз-лардан ўзиб кетганга ўхшаб қолди.

Бригадирнинг бу гапи илгор йигитнинг руҳини кўтариб юборди. У ҳам кези келганда қизларни мот қилмоқчи бўлди.

— Беллашгандан кейин йиқил-майми-да, ғайрати бери майдон-да уч синансин, — деди.

Чевар қизлар ялт этиб анчадан бери сўхбатга аралашмай ўтирган Салимбойга қарашиб.

— Кўп катта кетманг, Салим-бой ака, — деди Муқаддам, — охирида гаплашамиз. Ҳали белин-гизнинг тоб беришига шубҳам бор. Қизлар ўртасида қаҳқаҳа кўтарилди. Салимбой бироз қи-зарди. Сўнгра ўзини дадил тутган ҳолда:

— Агар сизга ета олмасам ҳам, — дея давом этди у, — айрим дўгонларингизни ўзимга етказмайман. Ингитларни ҳа деб камситганларингиз етар. Бирок, сиз билан беллашишга ҳам чоғим бор.

Балли, азамат. Бўш келма! Ғайратинг жўш урсин, — дейиш-ди дала шийонидан эркаклар қу-вонч билан...

Салимбойни биров уйғотган-дай бўлди. У сапчиб ўриндан тур-ди, аял-тапил юмиди. Айондан этакларини олди-да, ҳеч кимга сездирмай, ўйна-чиқди. Тортина дала йўли. Атроф тоғ уйсунди, Фақат йўл четидан кичкинагина ариқчадан айлос суя шилдираб оқарди.

Ҳаво анчагина салқин. Осмон-да йил парча бўлди дейди юрб-ди. Ингит бўлутга тикилди. Шу тоб мактабда қайта-қайта ўқиган Уйғуннинг «Назир отанинг ғаз-би» шеъри ҳэлидан ўтди.

— Ҳа, — деди у ўзига, — пе-шона тери тўқиб, мўл-қўл ҳосил етиштирдим. Уни тегзор териб ол-масак, уят бўлади. Об-ҳавонинг авзойи бузуқ. Бир ғайратга уч қайрат қўпишимиз шарт.

У эгат бошида эганини боғлаёт-ганида атроф ёриша бошлади. Ча-ноқлардан мончиқлари боқатган кўсаклар йигитнинг ҳавасини кел-

Пискент районидеги Тельман номли колхознинг бригада бош-лиғи Ҳақимполвон Қодиров бри-гадаси юз гектар ерининг ҳар гектаридан эл хирмонига 60 центнердан «оқ олтин» тўқди. Бригада аъзолари Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Муро-жаатига жавобан гектаридан яна 15 центнердан ҳосил беришга қарор қилдилар. Суратда: ўртоқ Ҳақимполвон Қодиров бригада аъзолари билан сўхбатлашмоқда. К. Розиков фотоси. (ҒАТАГ фотохроникаси).

300—350 килограммдан кўрак теришпти

«Мирзачўл» совхозининг 2- бў-лимидеги ўртоқ Абдулла Эшбеков бошлиқ бригада аъзолари бу йил-нинг ўзлаштирилган 130 гектар ерга чигит эккан эдилар. Бу бри-гада аъзолари ўз планларини ба-жардилар. Энди улар Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожа-тига жавобан пландаги 18,5 цент-нер ўрнига ҳар гектар ердан оли-надиган ҳосилини 22 центнерданга етказиш учун шу кунларда кўрак териши қизғин давом эттирмоқда-лар.

Гулзода Анорқудова, Раъно Эмидинова, Мариза Холжигитова каби термичилар мавсум бошидан бери 10 — 12 тоннадан пахта те-риб, хирмонга тўқдилар. Шу кун-ларда уларнинг ҳар бири 300-350 килограммдан кўрак терипти.

Б. СОИБНАЗАРОВ.

ИЛГОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Ўзбекистон КП Тошкент об-ласт комитети ва об-ласт ижроия комитети бу йили ҳосилини йиги-териб олиш ҳамда уни давлатга сотиш юзасидан районлар ва сов-хозлар ўртасидаги социалистик мунобақанг 21 ноябрдан 26 ноя-бргача бўлган ақунини кўриб чи-қарди. Об-ласт партия комитети ва об-ласт ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи кўндала-ларга берилди.

Илғўл району (район пар-тия комитетининг секретари Т. Умаров, район ижроия комитети-нинг раиси М. Тоқиев, район комсомол комитетининг секретари Б. Холмизаев, район кишлоқ хў-жалик инспекциясининг бошлиғи О. Зоккиров ўртоқлар). Бу район давлатга пахта сотиш планини 75,05 процент бажарган ва беш кунликда 1,84 процент ўсишга эришган.

Сирдарё району (район пар-тия комитетининг секретари И. Каримов, район ижроия комитети-нинг раиси А. Абдушохидов, рай-он комсомол комитетининг секре-тари А. Ганиев, район кишлоқ хў-жалик инспекциясининг бошлиғи М. Мирсатов ўртоқлар). Бу район бўйича давлатга пахта сотиш пла-нини 74,02 процент бажарилган ва ўтган беш кунликда 1,58 процент ўсишга эришилган.

Кўйи Чирчиқ районидеги «ЎзССР беш йиллиги» совхоз-га (директори И. Иброҳимов, пар-тия ташкилотининг секретари А. И. Лангенов, ишчилар коми-тетининг раиси М. Мусуков ўртоқ-лар). Бу совхоз давлатга пахта со-тиш планини 93,01 процент ба-жарган ва ўтган беш кунликда 2,20 процент пахта тайёрлаган.

Пинг-теримда намуна кўрсатиб ишлаган илгор термичиларни, ме-ханик-ҳайдовчиларни мукофотлаш учун Янгийўл ва Сирдарё райо-нлари 5 минг сўмдан ҳамда «ЎзССР беш йиллиги» совхозига 3 минг сўм пул ажратилди.

Мажбурий бажарилди

КПСС Марказий Комитети-нинг навбатдаги Пленуми ша-рафига меҳнат вақтасида ту-риб ишлаётган Бекобод райони-даги 1-«Далварзин» совхозининг 3-сўт-товар фермаси иш-чилари меҳнатда аjoyиб ютуқ-ни қўлга киритдилар. Улар 95 бош сиқирнинг ҳар биридан 2800 килограммдан сўт соғиб ол-шин бўйича олган йиллик со-циалистик мажбурийларини муддатидан олдин, 14 ноябрда шараф билан адо этдилар. Фе-рма ишчилари ҳаммаси бўлиб давлатга 266 тонна сўт топшир-дилар.

Сўт-товар фермасининг иш-чилари бу ютуқларга илгор иш тажрибаларини қўлланганли-лари, ўзаро социалистик мусо-бақани кучайтирганликлари на-тижасида эришилди.

Ферманинг илгор сўт соғу-вчиларидан П. Алиева 19 бош

РЕСПУБЛИКАМИЗ ОБЛАСТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ

26 ноябргача Хоразм об-ласти бир кунда 0,19 процент, мавсум бошидан бери 107,33 процент, Қорақалпоғистон АССР бир кунда 0,35, мавсум бошидан бери 85,34 процент, Андижон об-ласти бир кунда 0,41, мавсум бошидан бери 91,67 процент, Сурхондарё об-ла-сти бир кунда 0,57, мавсум бош-дан бери 86,35 процент, Самар-

қанд об-ласти бир кунда 0,60, мав-сум бошидан бери 84,88 процент, Фарғона об-ласти бир кунда 0,31, мавсум бошидан бери 79,25 про-цент, Тошкент об-ласти бир кунда 0,35, мавсум бошидан бери 76,66 процент, Бухоро об-ласти бир ку-нда 0,26, мавсум бошидан бери 73,15 процент пахта тайёрла-ди.

Ҳ И М М А Т

Бошқа шаҳарликлар сингари «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сўрх» бйрлашган наприётининг ишчи, хизматчилари ҳам ҳосилини йиги-териб олганда пахтакорларга астойдил ердан бермоқдалар. Наприёт кол-лектив мавсум бошидан бери Сир-дарё районидеги Охунбобоев но-мили колхозга қўмақлашиб, 100 тон-на пахта ва 30 тонна кўрак терди-лар.

Бирлашган наприёт ходимлари-дан В. Гаипов, А. Абдушохидов, Т. Нурмухамедова, И. Ахтов, С. Тен ва Ковалёва сингари ўртоқлар пахта теримда намунали ишлади-лар. Уларнинг ҳар бири хирмонга 2—2,5 тоннадан пахта териб топ-ширди.

Наприёт раҳбарлари пахта да-ларидеги ишлаб турган кишилар-га қўлай маданий-маиший шароит яратиб беришди. Термичилар ях-ши уй-жой билан таъминланган-лар. Уларнинг ётоқхоналарида те-левизор, радио ўрнатилган. Кунда-лик газет ва журналлар келиб туради. Шахмат, шашналар ҳам бор.

Ҳозир далада ишлаб турган бир-лашган наприёт ходимлари Ўзе-бекистон партия ва ҳукуматининг қўлган ҳосилини тегзор териб олиш тўғрисидаги Мурожаатига жавобан қолхўзда астойдил ишламоқдалар. Шу кунларда улар 2800 — 3000 килограммдан кўрак теришпти. Суяров, Комилов, Қосимов, Ко-злова сингари термичилар хирмон-га ҳар кун 180 — 200 кило-граммгача етказиб кўрак топши-риб ҳаммамнинг олқишига сазовор бўлмоқдалар. Уларнинг ҳиммати ана шундай!

Ш. ТҒЛАГАНОВ.



Йиллик пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарганликлари учун об-ласт ҳўрмат тахтасига ёзилдилар.

Совхоз ва колхозлар	Планининг бажарилиши (Процент)	Ҳисобда
Гулистон районидеги «Гулистон» совхози (дирек-тор М. Ганиев, бошланғич партия ташкилотининг секретари Р. Шимаков, ишчилар комитетининг рай-си А. Исаков ўртоқлар)	100.2	
Гулистон районидеги «XXI партсъезд» колхоз (раиси Ким Гван Хо, партия ташкилотининг секре-тари Ким В. Ф. ўртоқлар)	106.2	
Ўрта Чирчиқ районидеги Калинин номли колхоз (раиси Ем Ен Ман, партия ташкилотининг секрета-ри Т. Назиров ўртоқлар)	104.66	
Бўка районидеги Ленин номли колхоз (раиси Т. Каримов, партия ташкилотининг секретари П. Жабборов ўртоқлар)	104.88	
Бўка районидеги Ильич номли колхоз (раиси У. Жарқинбоев, партия ташкилотининг секретари Б. Ражабов ўртоқлар)	103.26	
Ўрта Чирчиқ районидеги «XX партсъезд» колхо-зи (раиси Х. Холбеков, партия ташкилотининг сек-ретари А. Исоқовов ўртоқлар)	101.76	

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. ХРУШЧЕВ Марокаш ҳарбий делегациясини қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 26 ноябрь-да Кремлда корпус генерали Му-хаммад бин Мезан бил Қосим бошчилигидаги Марокаш ҳарбий делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Н. С. Хрушчев билан Муҳаммад бин Мезан бил Қосим ўртасида

сўхбат бўлди. Бу сўхбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Сўхбат вақтида Марокашнинг СССРдаги элчиси Башир бин Аббос ҳозир бўлди.

Сўхбат вақтида совет томонидан СССР Мудофаа министрларининг би-ринчи ўринбосари Совет Иттифо-қи маршали А. А. Гречко ҳозир бўлди.

Тошкент университетининг 40 йиллиги

ТАШГУНИНГ ТУНГИЧЛАРИ



Ушунга, илмга чанқоқ биз ёшлар у йилларда САГУга кириш билан ортуга етдик дердик. Мен ҳам техникуми тугалаб, САГУга кирдим.

1930 йили САГУни тугатдим. Бир муддат иқтисод фанидан дарс ҳам бердим.

Тошкентда маърифат ўчоғини бунёд этган улуг Ленинга, ҳеҳимга марксизм-ленинизм таълимини сингдирган рус профессорлари ва доцентлари сийдирилган миннатдорчилигини айтман.

Университетга янгидан-янг муваффақиятлар тилайман.

ОИБЕК,
ёшувчи.



Ўз вақтида мазкур университетнинг студенти, сўнгра ўқитувчиси, ректори ва ўзбеклардан етишил чикан биринчи профессор, биринчи фан доктори бўлганлигини билан чекиш фахрланаман.

Кори НИЗИЯ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор.



Университетни 1926 йили тугатдим. Мана салкам 35 йилдан бундан буён шу университет бағриданман. Бугунги айёмда шодлигининг чеки йўқ. Бор билимим синалар учун, ёш авлод.

Виктор Федорович ГУРВИЧ,
ТашГУ зоология кафедрасининг мудири, профессор.

ДОХИ ОРЗУЛАРИ УШАЛМОҚДА

Хурматли газетхон, сиз албатта, ўзбек киностудияси ишлаб чиқарган «Ленин йўлнамаси билан» номли фильмин биласиз. Эсланг-а, ўша фильмда тарихий ҳақиқатга анча яқин бўлган бир лавҳа бор.

1920 йилнинг куз ойлари. Туркистон ўлкасида минг машаққат билан Москвага келган ўзбек ҳаққини ўқувчилари. Қирғизда Владимир Ильич қабулди. Туркистон элининг ҳаёти ва тарихи ҳақида оид талайгина масалалар ҳал қилинган, вақиллар орасида ҳал ўзбек йигити доҳига мурожаат қилди.

— Владимир Ильич, биз озодинлака орийшдик. Эркин ҳаёт кечирмоқдамиз. Энди биз илмга ташна ҳалқимизни маърифатдан баҳраманд эттиш учун ўз доирлфунуни. мизга ага бўлмоғимиз керак.

— Айни муддаони айддингиз, ўртоқ, жуда тўғри айддингиз. Тошкент шаҳрида давлат доирлфунунини ташкил этиш керак, — дейди В. И. Ленин ва календарнинг бир чеккасида алланималарни ёзиб қўйди.

Бир неча кундан сўнг Туркистон ўлкасида хушхабар тарқалди. Доҳи Ленин Туркистон давлат доирлфунунини ташкил этиш ҳақидаги декрети имзо чеккан эди.

Совет Шарқда улкан илм-фан маркази бўлиб келиришини қўзғатади бу тарихий декрет университети асосий биноларининг деворларига ўрнатилган мармар тахталарга ўзбек ва рус тилларида зарҳал харфлар билан битилган. Улуг доҳининг азви ўз доирлфунуни тоғдан бу кичик ёлғорлик лавҳасида бир дунё мазмуни бор. Лавҳани ўқитан ҳар бир ки.

В. И. ЛЕНИН ДЕКРЕТИ БИЛАН

(Университет ректори,
профессор О. СОДИҚОВ
билан суҳбат)

1960 йил 7 сентябрда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетидаги ташкил этилганга 40 йил тўғри. Ана шу тарихий ҳақиқатга асосан Тошкент Давлат университети ўзбекистондаги эмас, балки Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида яшовчи халқларнинг ҳам маданий ҳаётида муҳим роль ўйнади.

1918 йил 21 апрелда Туркестан халқ комиссарлари Советининг қарори билан Тошкентда Туркистон халқ университети ташкил қилинади. Унинг таркибиде беш факультет: табиёт-математика, қишлоқ хўжалик, техника, иқтисодий-иқтисод ва адабиёт-фалсафа факультетлари бор эди. Университетнинг биринчи ректори эди профессор Г. Н. Черданцев сайланган.

Халқ университети ташкил этилганда туркистонлик машҳур революционер П. А. Кобозевнинг ҳаётига хизматлари сингган. У ҳақто бир муддат техника факультетда энергетика курсини ҳам ўқиган. Ўрта Осиё ва унинг тарихини яқин билган атоқли олимлар университетининг дастлабки ўқитувчилари бўлишди. Улар орасида В. И. Романовский, М. А. Запрудний, В. П. Дробов, Н. А. Лаптев, Данилевский, А. А. Давидов, А. Э. Трапезников, С. А. Коган, Р. Р. Шредер, М. М. Протопопов ва кайи профессорлар бор эди.

1919—1920 ўқув йилида университет таркибиде медицина факультети ташкил этилди.

1920 йил бошларида Владимир Ильичнинг ташаббуси билан Москвада университетга юқори малакали профессор ва ўқитувчи кадрлар, шунингдек ўқув-ўқитув куроллари ва жиҳозлари ортлган эшелонлар юборилди.

Шунинг таъкидлаш керакики, шахсан В. И. Лениннинг кўрсатмалари билан Н. К. Крупская, Я. М. Свердлов ва бошқа давлат арбоблари ва, айниқса, шу кезларда Туркистонда бўлган М. В. Фрунзе ҳамда В. В. Куйбишев ўртоқлар университет барпо этиш ишини теълаштишди, уни энг яқин илмий кадрлар билан, асбоб-ускуналар, бинолар, кутубхона ва бошқа керакли анижомлар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатиб ишладилар.

Шундай қилиб, мустаҳкам ва мукамал базага ага бўлган халқ университети чинакам олий ўқув юртига айланди ва 1920 йил 7 сентябрда Владимир Ильич Ленин РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон давлат университети ташкил этиш ҳақидаги декретига имзо чекди. (Университет 1923 йилдан бошлаб САГУ — Ўрта Осиё Давлат университети, 1960 йил ўрталаридан бошлаб эса ТашГУ — Тошкент Давлат университети деб атала бошлади).

В. И. Ленин, М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишевларнинг номи университети тарихига зарҳал харфлар билан битилган. Уларнинг Ўрта Осиёда олий таълимни ташкил этиш соҳасидаги хизматлари ўтмишда қолоқ бўлган, қашшоқлик ва жаҳолат исқанжасида қолган халқлар ўртасида маданият ва маориф тарқатиш ишига Коммунистик партиянинг доимо ғамхўрлик қилиб келганининг жонли ғувохидир.

Университетни ташкил этиш ва унинг ишларини йўлга қўйишда Ленин йўлнамаси билан Тошкентда келган рус профессорлари ва ўқитувчиларининг хизмати каттадир. Улар орасида П. А. Баранов, А. В. Благовещенский, Ю. М. Голубовна, Н. А. Димо, Д. Н. Каров, К. Г. Хрущев, Е. П. Королар.

В. И. Ленин, М. А. Орлов, Н. А. Райкова, С. А. Молчанов, А. С. Уклонский ва бошқа жуда кўп олимлар бор эди. Университетни барпо этиш ва ривожлантиришдек олижаноб ишда Н. Ф. Боровский, Е. П. Залетский, М. Г. Запрудний, Л. В. Ошанин, Н. Л. Корженевский, В. И. Романовский ва бошқа талайгина маҳаллий олимларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Доцентлардан А. И. Введенский, Ю. М. Голубовна, профессорлардан Е. П. Коровин, М. А. Орлов, Л. В. Ошанин, И. А. Райкова, А. С. Уклонскийлар ҳозирги кунгача муваффақият билан ишлаб келмоқдалар.

1924—1925 йилларда Шарқ институтини университет ичига қўйишда бу иш асосда Шарқ факультети ташкил қилинди.

1920 йил февралда университет кузурда ишчи факультети ташкил этилди. Шундан сўнг университет студентларининг кўчилигини ишчи ва деҳқонларнинг бола.

лантирилади. Тошкентдаги политехника, қишлоқ хўжалик, медицина институтлари, қишлоқ хўжалигини ирригация ва механизациялаш инженерлари, молия-иқтисод, педагогика институтлари шулар жумласидандир. Самарқандда сув хўжалиги ва совет савдоси институтлари, Ашхабадда зооветеринария, Ленинободда қишлоқ хўжалиги институтлари ташкил этилади. Бу олий ўқув юртида ишлаш учун университет катта группасини йўллайди. Шундай қилиб, Ўрта Осиё Давлат университети талайгина олий ўқув юртилар ташкил этишда ҳам асосий база ролини ўйнайди.

Ўрта мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлашнинг зарурлигини ҳисобга олиб, 1935 йили САГУ таркибиде тарих факультети ташкил этилди. 1939—1940 ўқув йилида университет халқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган 18 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлай бошлади. Ҳамма факультетларда олиб борилаётган илмий ишларнинг сависси ўси, сифати яхшиланди. Уларнинг кўчилиги ўз тадиқотларини Ўрта Осиёнинг тарихи ва табиати бағишладилар.


Улуг Ватан уруши бошлангани билан университет ўзининг кўчилигини профессор ва ўқитувчиларини, энг яқин ўқувчиларини жанг майдонларига жўнатишди. Шунга қарам а й, университетда ўқий ишчилар давом этди. Улуг Ватан уруши йилларида университет 821 мутахассис тайёрлаб берди.

Тошкент Давлат университети кўлике тивий КПСС XXI съездининг қарорлари асосида ўз ишларини қайтадан қўйди. Санотанин айрим тармоқлари ва илмий муассасалар билан алоқани мустаҳкамлади. Ҳамма йилдан кимёгарлари миз гидролиз ва кимё-фармацевтика корхоналари билан, физиклари миз радиотехника корхоналари билан, геологларимиз санотанин нефть, газ ва бошқа соҳалари билан муваффақиятли сурагда ҳамкорлик қилмоқдалар.

Тошкент университети 40 йиллик юбилей кунинда республикамизнинг ўтмишига назар ташлар ақамиз, унинг ҳозирги кунин билан ўтмиши ўртасида ерусмонча фарқ борлигини кўрамиз. Авваллари минг аҳолига туртта ўқувчи тўғри келган ўлмамизда бугун ёппасига турта маълумотли бўлиш масаласи ҳал қилинмоқда. Маданиятими соҳасида бу улкан силжишларда университетимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги билан фахрланамиз.

1929—1930 йилларда университетнинг айрим факультетлари мустақил олий ўқув юрти ва илмий-текишириш муассасаларига айландилар.

1929—1930 йилларда университетнинг айрим факультетлари мустақил олий ўқув юрти ва илмий-текишириш муассасаларига айландилар.



РСФСР ХКС ДЕКРЕТИДАН
ХАЛҚ КОМИССАРЛАР
СОВЕТИ
ҚАРОР ҚИЛАДИ:
1. ТОШКЕНТ ШАҲАРИДА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ
ТА'СИС ЭТИЛСИН.
ХАЛҚ КОМИССАРЛАР
СОВЕТИНИНГ РАИСИ
В. УЛЬЯНОВ (ЛЕНИН)
7 СЕНТЯБРЬ 1920 йил



Сурагда: 1920 йил Ленин йўлнамаси билан 159-поездда Тошкентга келган ўқитувчи ва профессорларнинг бир группаси.

Толипов каби республикамизда фан ва олий таълимни ривожлантириш ишга баракали ҳисса қўшган олимларимиз шулар жумласидандир.

Ҳозир университетда жами 32 миллат вакили таълим олмақда. Чет эллардан келиб ўқийтган студентлар орасида Хитой Халқ Республикаси ёшлари кўпчилигини ташкил этади. Университетнинг 10 факультетида 50 дан ортқ хитой студентлари ва аспирантлари бор. Бу улкан маърифатхонада таълим олган турли миллат ёшлари университет ва ректор номига, ўз устозлари номига илм мактублар йўллаб меҳр тўла сўзлар билан миннатдорчилик туйғуларини наҳор қилмоқдалар.


Яқинда филология факультети журналистика бўлимининг V курси студенти Дўлқин Ясенов Синьзян автоном областида чиқадиган газетига мақола ёзиб, бундай деб. ди:

«Владимир Ильич декрети билан тузилган Ўрта Осиё Давлат университети жуда кўп ёшлар катори хитойлик студентларини ҳам

ўзининг қайноқ бағрига олди. Биз бу ерда бутун қалби билан коммунизм ишига берилган, дўстлик руҳида тарбияланган азиз устоз ва меҳрибон дўстларини топдик. Биз бу ерда дўстлик ва ҳамкорлик сузининг маъноси нақадар кенг ва улғувор ақаллигини андада қуқурроқ тушуярдик...»

Бу юрак сўзлари изохқа муҳтож эмас. Келтирилган парчада фақат хитой ёшларининггина эмас, балки университет бағрида тарбияланган жуда кўп халқлар фарзандларининг миннатдорчилиги қуқур ифодаси тоғлан.

Бугунга эмас, университет коллективи қардош социалистик мамлакатларга ўзининг етук олимлари ва энг яқин мутахассислари билан Хитой, Мўғлистон, Вьетнам республикаларига юбориб турган. Яқинда геология кафедрасининг мудири профессор Крилов Хитой Халқ Республикасининг Пекин университетида бориб, геология фани соҳасида совет олимларининг орттирган таърибларидан, эришлаган ютуқларидан лекциялар ўқиб қайтиди. Шу кафедранинг доценти Н. А. Ло-



Сурагда: ТашГУнинг кенс ўқитувчиларидан бир группаси, (чапдан биринчи қатор) биология фанлари доктори Т. Зоҳидов, физика-математика фанлари доктори Т. Саримсоқов, кимё фанлари доктори О. Содиқов, биология фанлари доктори И. Райкова, география фанлари доктори Л. Вабушкин, профессор Ф. Мауер (иккинчи қаторда) физика-математика фанлари кандидати М. Султонова, кимё фанлари доктори Х. Усмонов, геология фанлари доктори С. Миркомолова, университетнинг проректори Д. Стояров ўртоқлар.

СЎНМАС МАШЪАЛ

Фанинг йўлларида машъалдай ёниб, Нури чўққи каби юксалган дарғоҳ, Сен сочган шўладан дил жилоланиб, Мишқатор кўз билан ташпайман нигоҳ.

Сенга шогирдликнинг бебаҳо даврини Унутиб бўларми, эй устози аъзам Танаффус дамларини қувноқ гоурурин, Дарс чоғини сермазун сукутунинг ҳам.

Қўнғирогинг қулоқда жаранглар ҳамон, Илм карвонининг бонғидай мағрур. У ҳамон дилларни келажак томон — Ўндошчир бир садо оҳанг тўла нур.

Офтобли хоналар бир жаҳон сўзи, Қаршида турлади юксак минбаринг. Нуруний устозинг ҳар панди, сўзи, Дунёни андада кўрсатарди кенг.

Имтиҳон чоғларини афр таралдули Қўзарди қанчалар шавқли халжон. Иктовларга шўғитиб, ўзини унутиб, Баҳонини кутарди, саҳий онажон.

Етоқларда ҳаёт, фан баҳси қизир, Лочин парвозига тайёр ҳар юрак. Бирини чорлайди тоғлар тўла сир-Бирни қўққа парвоз қилмоғи керак.

Сенинг чаманингда эл болалари Муттасил эмади илм ширасин. Мисоли гулларга қўнган болари Сендан қондирди сеҳи ташпасин.

Ешликни тоблаган, эй олий макон, Порлар кўкрагингда Ленин имзоси. Сен орзу гуллари яшнаган бўстон, Дўстлик қардошлиқнинг улугъ бинос.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

ТЕЛЕГРАММАЛАР

Университетнинг қирқ йиллик тўйи муносабати билан ТашГУ номига, университет ректори номига Ватанимизнинг турли буржаклардан кўлаб телеграммалар келмоқда. Ригада Владивостокка, Уралдан Термизга чўзилган катта территориядаги барча олий ўқув юртилардан, илмий-текишириш муассасаларидан, академик ва профессорлардан келатган телеграммаларнинг кети узилмайд.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИГА
МОСКВАДАН
Шонли қирқ йиллик билан табриклаймиз. Келгусидаги ишларинизга муваффақиятлар тилаймиз. Университетни биринчи бўлиб битириб чиққанлардан ОЧИЛДИЕВ, БОЛОТИН, БУРШТИНА, ВЕЛУИЦ, ЯНОВСКИЙ, САХАРОВ.
БОКУДАН

Биз Тошкент давлат университети медицина факультетининг собиқ студентлари қўқур фахрланиш ва миннатдорчилик хислари тўлиб-тошган калбимиздан САГУни 40 йиллик билан табриклаймиз...
Докторлар АВАНЕСОВ, АВАНЕСОВА, СУХИНИН, МАРКОСЯН.

АРХАНГЕЛЬСКДАН
Коллективизмни қирқ йиллик байрам билан қутлайман САГУни 1942 йилда битирганман Ер сунтий йўлдошлари ҳаракатини қузатувчи энг шимоллий станциядаман
ГИММЕЛЬФАРТ.


Аълочи студентлар

Ўтмишда чексиз жабр ва стам қурбони бўлган ўзбек хотин-қизларининг ёруғлики Ленин олиб чиқди. Унга илм-маърифат машъали Ленин ёқиб берди. Доҳи ташаббусида ташкил қилинган университет ўз бағрида қанчадан-қанча ўзбек қизларининг ақл-идронини илм зибеси билан нурашон қилди. Мен бу университет студенткаси бўлганим билан гўл фахрланаман. Няньим ҳуқуқуносо бўлиб, халққа, Ватанимга сийдирилган хизмат қилди.

Гуахчера ИНОМЖОНОВА,
ТашГУ юридик факультетининг III курси студенти, Сталин стипендианти.

— Шундай катта бағри кенг дароҳда илм олаётганимиз, иттифоқимиздаги эмас бутун дунёга машҳур профессор, олимлар қўлаб тарбияланганимиз билан бахтиёримиз. Бизга илм чўққиларини қуқур ўрнатишга кенг йўл очиб берган шонли партияимиздан миннатдорчилигимиз чексиз.

Университетимизга биз ёшларнинг илмий маъналаридан баҳраманд қилишда улкан муваффақиятлар тилайман.
Мирфозила МИРЗААХМЕДОВ,
ТашГУ механика-математика факультетининг IV курси студенти, Сталин стипендианти.



САЛОБАТЛИ РАҶАМЛАР

Дастлабки ўқув йилида университетдаги профессор-ўқитувчилар сони 60 та, студентлар сони 462 та эди.

Ҳозир университетда 477 ўқитувчи ишлаб турибди. Улардан 20 киши турли Академияларнинг ҳақиқий ва корреспондент аъзолари, 45 киши профессор ва фан докторлари, 198 киши фан кандидатлари ва доцентлардир.

Университетнинг қундузли, кенчи ва сиртқи бўлимларида 5.500 дан ортқ студент ва 100 дан ортқ аспирант таълим олмақда. Уларнинг тарбия-

дан кўпи маҳаллий миллат ёшларини.

Тошкент давлат университети 40 йил ичда мамлакатимиз халқ хўжалигига 13 мингдан ортқ мутахассис тайёрлаб берди.

40 йил мобайнида университетнинг олимлар кенгашида фан ва халқ хўжалигининг ақтуал темаларига бағишланган 50 дан ортқ докторлик ва 600 дан кўп кандидатлик диссертациялар ёзилди. 400 дан кўпроқ илмий ишлар тўплами ва монографиялар нашр этилди.



Сурагда: (чапдан) биология фанлари доктори, профессор И. А. Райкова дипломатлардан С. Маддалева, Д. Турсунов, ва А. Хўжаевлар билан. И. Душкин, А. Горюкин фотоси, (ЎТАГ фотохроникаси).

Бу саҳифани ТашГУ журналистика кафедрасининг ўқитувчилари В. АБДУЛЛАЕВ ва Т. ПИДАЕВ ўртоқлар уюштирган.



ЗАВОД КОНСТРУКТОР-ЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкентдаги «Подъёмник» заводи конструкторлари кўп йиллардан бери кўприк қран-ларнинг юк кўтариш балин-динги охириги устида ишламоқ-далар. Пулат арчон ўралдиған барабанларнинг узунлиги ва диаметрини ошириш натижаси-да конструкторлар юк кўтариш балиндинини 16 метрдан 30 метрга етказишга муваффақ бўлишди.

Яқинда бундан ҳам мурак-каброқ вазифани ҳал қилишга тўғри келди. Березинков сода заводи юкларини 54 метр ба-ландликка кўтариш қобилияти-га эга бўлган қран заказ қил-ди. Бу заказни бажариш учун қранларини янада таъминлаш-тиришга тўғри келди.

Бош конструктор Г. А. Го-дунский бошчилигидаги мута-хассислар гуруҳида, оригинал проектини ишлаб чиқарилди. Улар қранларнинг конструктив-да биринчи бўлиб синхрон прин-ципи асосида ҳаракат қилувчи икки барабанли системани иш-лаб чиқарилди.

Бу қашқирт қанат шу завод доирасидаги ҳаётларнинг қол-майди. Икки барабан система-си юкларини амалда ҳаётларни маған балиндинка кўтариш имконини беради. Ҳозир завод мутахассислари юкни 75 метр балиндинка кўтаришдан қран-ни яратиб устида ишламоқда-лар. (УзТАГ).

«ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИ»

Республика Фанлар академия-си Ботаника институтиди «Ўзе-кистон флораси» монографияси устидида ишлаб таъминланди. Энг қизиқ илмий тадқиқотнинг сўғит олтичиги китоби босмага тайёр-ланди. Бу китобда тоғларда, во-дидарда, саро ва денга орола-рида ўсувчи 4 миңдан ортиқ ўсимликлар таъминланди.

Олимларнинг Ўзбекистон ишла-боғлигини ўрганиш асосидан та-дқиқот ишлари катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Улар фармонхоналарга республика тер-риториясида ўсувчи 30 дан ортиқ доривор ўсимликлар картасини ту-зиб берилди. Шунингдек, бу ўсимликларнинг янги олин шакли ва методларини аниқлашди.

Ботаникада ўсимликлар кам бўлган жойларда янгиқа қизил-тадқиқот ишлари олиб борилди. Хатто Қизилқумда бир неча мар-та қишлоб қилишга тўғри келди. Бу ерда олиб борилган тадқиқот-лар қувончли натижа берди. Во-тавислар саро янгиловларни ре-конструкция қилиш ва ўсимлик-лар билан бойитиш учун энг ку-лай тавсияларни ишлаб чиқарил-ди. (УзТАГ).

ЯХШИ ТАДБИР

Ташки танавфуз вақтида би-ринчи Тошкент вагон депони-нинг қизил бурчани ишчи-хиз-матчилар билан гавжум бўл-ди. Бу ерда маҳаллий комитет-нинг ташаббуси билан ҳафта-да икки марта илмий-оммабо-техника оид хужжатли ва ба-дний фильмлар кўрсатиб туриш ташкил этилган. Вагончилар совет делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрущевнинг АҚШда Бирлашган Миллатлар Ташки-лотини Бош Ассамблеясининг XV сессияси ишларида қатнашиши тўғрисидаги хужжатли филь-ми эфр қизилги билан тамона қилинган.

Ноябрнинг қолган кунлари ичунда «Куба вақиллари — биз-нинг меҳмонларимиз», «Цехда ту-рилган автоматика», «Тўрт қа-рамон ҳақида ҳикоя» ва бошқа фильмларни кўрсатиш план-лаштирилган.

БОСИЛМАГАН ХАВАРЛАР ИЗИДАН

Кўрилган тадбирлар

Редацияга келган хатларнинг бирида Калинин район, Сталин но-мли нолхоз ҳузуридаги насалхонанинг иши ҳозирги талабга жавоб бер-маётганлиги ҳақида ёзилган эди.

Калинин район иқроия комитети-дан олинган жавобга кўра, хатда кўрсатилган қамчиликларни барт-араф қилиш юзасидан бир қатор ам-алий тадбирлар кўрилган. Насалхона-ни қангайтириш ва жиҳозлаш учун 160 миң сўм пул ажратилган. Сталин номили нолхознинг аввалги идораси ва клуб бинолари насалхо-нага топширилган.

Насалхонага 75 наока қўйил-ган. Медицина ходимларининг сони кўпайтирилган. Нолхоз правлениеси битта «Победа» мармали енгил ма-шинани беморларга ёрдам кўрсатиш учун насалхона ихтиёрига берган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 27 НОЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



Ҳинд рақслари бир-биридан гўзал, бири-биридан нафис, бири-биридан мураккаб ва қувноқ. Бу рақсларда ошқ-мошқларнинг алангали эҳтирослар, интизор ёрининг ҳеч-туйғуларини ҳижрон гўзаллари куйланади. Улар ҳам маман мафтун этади. Суратда: пойтахтга меҳмон бўлиб келган Бу-туниттифок гастрол — концерт уюшмасининг раққосаси Фая Иванова Тошкентдаги эстрада театри сахнасида бенгал халқ рақсларидан бирини ижро этмоқда. А. Абалин фотоси.

УРТЎҚИМОК МАННОПОВНИНГ „ОЧИҚ САВДО“СИ

Райкомхоз мудири Манноповнинг кабинетига сартарошхона касири Бойцева тортинироқ кирди. Кир-ди-ю, шик тагида тик туриб қол-ди. Маннопов тўб зарур иш билан жуда банд бир кишидек бошини кў-тариб қарамади ҳам.

— Мени қақиртирган акансиз? — деди аёл ниҳоят зерикиб.

Мудир бошини кўтариб, қафти-нинг орасига аснади:

— Ўйлаб кўрдингизми? — деди у қовоғини солиб.

— Ўйлаб кўрдим.

— Ҳўм?

— Ўғирлик қилишга қўлим бор-майди... — деди Бойцева руҳан азалиб. Кеча мудар каскига ҳар ойига палон сўмдан пора бериб ту-расан, бўлмаса ўринига харидор топиб қўйдим деган эди.

— Устингиздан аризалар туша-пти. — деб Маннопов қиёфасини тўсатдан ўзгартириб олди ва ҳеч варадан ҳеч нараса йўқ Бойцева-нинг зиммасига минг хил айб ва бўғунларни юклайболошди. «Ях-шиси ариза ёзинг, биздан кетинг!» — деб сўзини тутатди у. Эртасига Бойцева «ўз аризасига биноан» ишдан бўшатилди. Аёл мударнинг кабинетидан ҳиқиллаб йиғлаганича қиқиб кетди.

Эшик олдида шофер Толипов кў-ринди.

— Шоферликда қолишни истай-санми? — сўради мудар.

— Албатта...

— Истасанг, ҳар ойда мен қача-ги айтганимча пул тўлаб турасан. Бўлмаса ўринига бошқа йигит чи-қиб қолди.

Эртасига шофер ҳам ишдан кет-ди. Хатто беш-ўн кунлик маошини ҳам мударга «ҳадя» қилиб кетди.

Индиксига мударнинг кабинетига «очиқ савдо» хусусида яна бир ҳам-гома бўлиб ўтди. Мудир ўзининг хў-жалик ишлар бўйича ўринбосари Ҳакимов олдида масалани кўнда-ланг қилиб қўйди:

— Е унча-мунча... ёки...

«Ёки»нинг маъноси шу бўлдики, уч кундан сўнг Ҳакимов ҳам «ўз аризасига биноан» ишдан бўшатил-ди. Маннопов юқоридagi вазифалар-га ўз қийиларини тайинлаб олган, «очиқ савдо»ни сартарошхонага кў-чирди. 18 йилдан бўён сартарошлик қилиб, ҳамманинг ҳурматига сазо-вор бўлган Ўзлов Маматовга «соч-соқол олдинларнинг» у ербу ери-ни қирқиб олаётган эмишсан, иш-дан бўшатаман!» деб туриб олди.

— Агар ойига 200 сўмдан кўзиб-турсанг, — деди Маннопов кўзини айёронга қисиб, — ҳар қандай шик-оятни босиб юбориш қўлимдан кела-ди... Менинг қимлигимни биласанми?

Бўлмасами, Ҳаки Маннопов Бўқа-районига ода отнинг қашқисдек маълум-ку! Ёшқ складиининг мудири бўлиб турганида ишнинг қатогини чиқариб, думи тугилган, сўнгра «ўз аризасига биноан бўшади» деб бир амаллаб ҳужжат тўриб олган ма-ға шу қилири бўлади-да. Райуни-вермаг директорлигида турганида Сталин бозорида савдогарчилик қи-либ, милицияга тушган, бутун рай-он олдида шарманда-шармисор бўл-ган ҳам мана шу олопанининг ўзи эди. Сўнгра унинг гишт заводида бошлиқ бўлиб, планки ортиги билан бажараман деб, сифати гишт ўри-га ҳамма ёқни йўталсанг тушириб кетадиган гуваллага тўдариб юр-гани ҳам барчаннинг эсида!

Мана энди бу нафе бандаси бир амаллаб райкомхозга ўтиб олди-ю, «очиқ савдо»сини бошлаб, ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб юборди. Район раҳбарлари бўлса ана шу «очиқ савдо»нинг тамошабини бўлиб қолмоқдалар, холос.

С. МУСАЕВ.

ЭЛЕКТР ИЗЛАБ...

лар билан биргаликда гўмдон ҳам бўлди.

Биз қолхоз ва «Ташэлектро» раҳ-барларига аризалар кўтариб бора-вериб зерикиб кетдик. Ниҳоят орадан бир неча кун ўтгач, участкамизни папка қўтиқлаган жиддий қиёфали кишилар босиб кетди. Ўқини ўлча-шар, бу ёқни ўлчашди, оқибат:

— Ҳар бир хонадон 200 сўмдан пул тўласин, шунда электр бир ҳаф-тада туширилади, — деган қарорга келишди.

Ж. ТУРҒУНБОВ.

Ж. БОБОЖОНОВ.

ҳисобчи, О. ЧОРШАНОВ.

чолхозчи, Чингиз район, Киров номили нол-хоз.

КЎРИНГ

Октябрь район ошхоналар трестига қарашли С. Юсупов бошлиқ бўлган 3- чайнада тайёрланаётган сомсалар хусусида.

Кўнгиб тусаб сомса олай десангиз, Сомсапазининг ҳавою, нозини кўринг.

Сомса сифатини билай десангиз, Чеккаси қуйган қора юзини кўринг.

Билайлиқни таъмин қалай десангиз, Ичин очиб, тўла пизини кўринг.

Қиймаси ҳам бордур талай десангиз, Жиндақини чандирли жазини кўринг.

Шу ҳам сомса бўлдики, ҳайф десангиз, Юсуповнинг думог, аразини кўринг.

Зиёд КОМИЛОВ.

Телевизор экранида

27 НОЯБРДА

12.00. «Физкультура билан шуғулланинг».

12.20. «Секрл чопки» — бадний фильм.

13.55. Инглиз тилидан ўзбек тилида 9- дарс.

14.25. Маданият университети. «Музыкани қандай тингла-моқ ва тушумоқ керак» (рус тилида иккинчи эшиттириш).

18.30. «Темир дўстлар» — болалар учун мультфильм.

18.45. Сўнгги ахборот.

19.10. Ўзбек тилида Ф. Энгельс туғилган кунининг 140 йил-лигига бағишланган эшиттириш.

19.35. «Қўшнарларимиз» — кинокомедия.

21.00. «Далада ишлаётганлар учун». Ўзбек тилида адабий музикали эшиттириш.

28 НОЯБРДА

19.00. «Истиқбол эгалари» — телевизион журнал.

19.40. «Меҳнат орақсида» — киночерк.

19.50. Сўнгги ахборот.

20.10. «Советский воин» — телевизион журнал.

21.10. «Етти йиллик ижодкорлари» — ўзбек тилида хуж-жатли фильм.

21.30. К. Фавзалининг «Гуттаперча қуёнда» номили ҳи-қояси асосида рус тилида телеспостановка.

Юзга яқин хонадон нари ўйлаб, бери ўйлаб 200 сўмдан пул ҳам тўлиб бердик. Лекин шу кунгача на шундан, га электрдан, на ҳалиги папка қўтиқлаган одамлардан дараб бор. Қушимиз Одаматдан қолган қо-ра тироққа қилиб, ҳам радио, ҳам телеавтордан маҳрум бўлганимиз учун кечқурунлари латифа айтишиб ўтирибмиз. Раисимиз Гани Дוליбо-ева ара қиласан:

— Бу ишда шошилиш ярамай-ди... — деб, юзини биздан ўгириб ол-моқда.

Ж. ТУРҒУНБОВ.

Ж. БОБОЖОНОВ.

ҳисобчи, О. ЧОРШАНОВ.

чолхозчи, Чингиз район, Киров номили нол-хоз.

Ж. ТУРҒУНБОВ.

Ж. БОБОЖОНОВ.

ҳисобчи, О. ЧОРШАНОВ.

чолхозчи, Чингиз район, Киров номили нол-хоз.

Ж. ТУРҒУНБОВ.

Ж. БОБОЖОНОВ.

ҳисобчи, О. ЧОРШАНОВ.

чолхозчи, Чингиз район, Киров номили нол-хоз.

Ж. ТУРҒУНБОВ.

Ж. БОБОЖОНОВ.

ҳисобчи, О. ЧОРШАНОВ.

чолхозчи, Чингиз район, Киров номили нол-хоз.

Ж. ТУРҒУНБОВ.

Ж. БОБОЖОНОВ.

ҳисобчи, О. ЧОРШАНОВ.

чолхозчи, Чингиз район, Киров номили нол-хоз.

Ж. ТУРҒУНБОВ.

Ж. БОБОЖОНОВ.

ҳисобчи, О. ЧОРШАНОВ.

чолхозчи, Чингиз район, Киров номили нол-хоз.

Халқаро ахвол

Мўғулистон Халқ Республикасининг 36 йиллиги

УЛАН-БАТОР, ТАСС мухбири В. Петренко хабар беради: Буюк Халқ хуралди Мўғулистон Халқ Республикаси тузилганлигини эъ-лон қилган биринчи демократик конституция қабул қилган кунга 36 йил бўлди.

Мўғул халқи ўз тарихидаги ана шу шонли воқеани республика феодализмнинг абадий хотима бериб, бутун бир даврни — капи-тализм даврини охиб ўтиб, соци-ализмнинг моддий-техника базаси-ни вужудга келтираётган бир даврга нишонламоқда.

Шу қисқа муддат ичунда Мўғу-листон босиб ўтган йўлини тасав-вур этмоқ учун шунини айтиш ки-фояки, 1924 йилда мамлакатда чорвачилик ҳўжаликнинг деярли бирдан-бир тармоғи бўлган пайтда чорва молларнинг 57 проценти монастырларга ва феодаallarга қа-рашли бўлиб, 30 проценти бадав-лат хонадонлар қўлида ва чорва молларнинг атиги 13 проценти аҳолининг кўпчилиги ҳиссини таш-кил этган намбагаллар қўлида эди.

Демократик ҳокимият йиллари мобайнида Мўғулистон Халқ Рес-публикасида невети, кўпир, нол-руда ва саноатнинг бошқа тармоқ-лари вужудга келтирилди, деҳқон-чилик жадал сурьатлар билан ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда Мўғулистон саноати бир кунда бутун 1930 йилда чиқарган маҳ-сулотдан деярли бир ярим бара-вар кўп маҳсулот ишлаб чиқар-моқда, 1924 йил ҳақида гапирма-са ҳам бўлади. Давлат ҳўжалик-

лари ва кооперативлаштирилган аратлар эса бу йил мамлакатга 250 миң тоинадан зиёд дон бердилар. Ҳозирги вақтда Мўғулистонда 24 миллион бошга яқин қорамол бор (1924 йилда 13.776 бош чорва мол бор эди).

Саноат ва қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш соҳасида Мўғулис-тон Халқ Республикаси эришган муваффақиятлар ҳаётнинг ҳамма соҳаларида социализмнинг шиллаб чи-қариш муносабатлари буткул га-лаба қилганлигининг, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси маданияти ниҳоят-да ўсганлигининг яққол самараси-дир. Мўғуллар шу нараса билан қонуний равишда фахрлана ола-диларки, мамлакатда савдосизлик батамом тугатилиб, ишчилар син-фи, қишлоқ ҳўжалик механизатор-ларининг жуда катта отряди, деҳ-қончилик ва чорвачиликнинг чи-накам усталари етишиб чиқди, фан ва санъат ходимларининг сони йил сайин кўпайиб бормоқда, респу-бликада ҳар 1200 кишига бир врач тўғри келади.

Мўғул халқи республикасининг 36 йиллигини нишонлашга тайёргар-лик қилиб, Мўғулистон Халқ Рес-публикаси партияси теваригида янада маҳнамроқ жиғиласмоқда. СССР халқлари билан дўстлигини тагин ҳам кўпроқ мустаҳкамлашга қатъий бел боғлаганлигини нозор қилмоқда, чуқун бахтли турмуш Мўғулистон меҳнатқашларининг сингалар партияси раҳбарлиги ости-да буюк Совет Иттифокнинг қардошларга ёрдами тўғрисида бар-по этилганлигини мўғул халқи би-лади.

Тинчлик, бетарафлик ва миллий бирлик учун

ХАНОЙ, 25 ноябрь. (ТАСС). Вьет-нам радиоси кеча хабар қилди: Тинчлик, бетарафлик, миллий ҳам-раҳбарлик ва Лаос бирлиги учун ку-рашувчи комитет ўз баёнотида кет-даватларнинг Лаос пўки ишларига аралашувини ва Носаван тўдаси-нинг хойнона ишларини кескин қо-ралади.

Комитет «шаҳзода Суванна Фума бошчилигидаги ҳўкумати ажабай-ларнинг аралашуви ва исёнчилар-нинг ҳаракатлари қарши қатъий чора кўришга ва Совет Иттифокни ҳамда Хитой Халқ Республикасининг ёрдамини дарҳол қабул қилишга» чақирди.

СОЦИАЛИЗМ ҚУРАЁТГАН ОММАНЛАТЛАРДА

Корея Халқ-Демократик Республикасида

ҚУРИЛИШ ТЕЗЛАШТИРИЛДИ

Пхеньян бинокларлари юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичлари-га эришмоқдалар. Яқинда Тўдонган дарёсига қурилган 700 метрга яқин узунлидаги кўприк ва 70 миң кишига мўлжалланган стадион танга-нали равишда фойдаланишга топширилди. Ундан илгарирон эса театр биноси қуриб бит-казилган эди. Унинг тамоша залига икки миңдан ортиқ ки-ши кириши мумкин. Яқин кунлар ичунда озолиқ учун кураш дав-лат маркази санъат музейи фойдаланишга топширилди.

КХДР пойтахтида уй-жой бинолари қуриш ишлари ҳам тез сурьатлар билан олаб бо-рилмоқда. Корея Совет Ар-мияси томонидан овоз қилин-ган кун шарофига қурилган янги уйларга 4 миңга яқин ишчи ва хизматчи оналари кўчиб қирдилар. Пойтахт ме-хнатчилари учун 10 миң кватиралар ортиқ уй-жой бинолари қурилади. Янги уй-жой кватираларида эса беш мактаб, 30 болалар ясли-си ва болалар богчаси, бир на-тор маданий-оқартув муассаса-лари бинолари қурилади.

Корея Халқ-Демократик Рес-публикасининг саноат қорхона-ларида бундан қарийб бир

ярим йил илгари социалистик мусобақанинг янги формаси — «Ҳанотли от» бригадаси номини олин ш учун кураш бошлан-ган эди. Ҳозирги вақтда халқ ҳўжалигининг барча соҳалари да янгиликларни ўйлаб топиб, техника билимини тўхтовсиз ошири бориш ва меҳнатга со-циалистик муносабатда бўлиш принципларидаги курашда 130 миңдан зиёд ишчи ва хизмат-чи қатнашмоқда. Республика-даги 766 ишлаб чиқариш бри-гадаси ҳозир «Ҳанотли от» деган фахрли номини олинга муваффақ бўлди. (ТАСС).

ТОШКЕНТНИНГ ТАҲОҶА ЗАМОНАДА

НАВОИЙ НОМИЛИ ТЕАТРДА 27/ХІ эрталаб соат 11 да Демон, кеч 7 да Кармен 30/ХІ кеч 7 да Оқуш қўли.

ХАМЗА НОМИЛИ ТЕАТРДА 27/ХІ да Гамлет, 30/ХІ да То-ға-жиялар. Кеч соат 7 да бош-ланади.

МУҚИМИЙ НОМИЛИ ТЕАТРДА 27/ХІ да Равшан ва Зулхумор, 28/ХІ да Ошиқ Ғариб, 29/ХІ да Раис уйлари. Кеч соат 7 да бош-ланади.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ 27/ХІ да Охунбобоев номили ёш тамошабинлар театри биносиди Ўзбек давлат эстрадаси артистла-ри иштирокида Катта концерт. Кеч соат 7 яримда бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — Артист Анатолий Фурма-нов гастроллари (иллюзион аттрак-цион) ва янги программда цирк тамошалари. Тамошалар давомиди

НАВОИЙ НОМИЛИ ТЕАТРДА 27/ХІ эрталаб соат 11 да Демон, кеч 7 да Кармен 30/ХІ кеч 7 да Оқуш қўли.

ХАМЗА НОМИЛИ ТЕАТРДА 27/ХІ да Гамлет, 30/ХІ да То-ға-жиялар. Кеч соат 7 да бош-ланади.

МУҚИМИЙ НОМИЛИ ТЕАТРДА 27/ХІ да Равшан ва Зулхумор, 28/ХІ да Ошиқ Ғариб, 29/ХІ да Раис уйлари. Кеч соат 7 да бош-ланади.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ 27/ХІ да Охунбобоев номили ёш тамошабинлар театри биносиди Ўзбек давлат эстрадаси артистла-ри иштирокида Катта концерт. Кеч соат 7 яримда бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — Артист Анатолий Фурма-нов гастроллари (иллюзион аттрак-цион) ва янги программда цирк тамошалари. Тамошалар давомиди

НАВОИЙ НОМИЛИ ТЕАТРДА 27/ХІ эрталаб соат 11 да Демон, кеч 7 да Кармен 30/ХІ кеч 7 да Оқуш қўли.

ХАМЗА НОМИЛИ ТЕАТРДА 27/ХІ да Гамлет, 30/ХІ да То-ға-жиялар. Кеч соат 7 да бош-ланади.

МУҚИМИЙ НОМИЛИ ТЕАТРДА 27/ХІ да Равшан ва Зулхумор, 28/ХІ да Ошиқ Ғариб, 29/ХІ да Раис уйлари. Кеч соат 7 да бош-ланади.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ 27/ХІ да Охунбобоев номили ёш тамошабинлар театри биносиди Ўзбек давлат эстрадаси артистла-ри иштирокида Катта концерт. Кеч соат 7 яримда бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — Артист Анатолий Фурма-нов гастроллари (иллюзион аттрак-цион) ва янги программда цирк тамошалари. Тамошалар давомиди

НАВОИЙ НОМИЛИ ТЕАТРДА 27/ХІ эрталаб соат 11 да Демон, кеч 7 да Кармен 30/ХІ к